

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Эртага – тиббиёт ходимлари куни

САЛОМАТЛИГИМИЗ ПОСБОНЛАРИ ШАРАФЛАНДИ

Шу кунларда яна бир шарафли касб эгалари – тиббиёт ходимларининг касб байрамлари кенг нишонланмоқда.

Чирчиқ шаҳридаги "Максам-Чирчиқ" маданият саройида вилоятимиз тиббиёт ходимларига бағишланган катта байрам тадбири уюштирилди. Унда вилоятимиз тиббиёт соҳасининг етук мутахассислари, юқори малакали шифокорлар, умрини тиббиётга бахшида этган меҳнат фахрийлари иштирок этди.

Маросим катнашчиларини вилоят ҳокими Аҳмаджон Усманов касб байрамлари билан кутлар экан, истиқлол йилларидаги қўлмали ислохотлар самараси, тиббиёт ходимларининг жамият ҳаётида тутган ўрнига алоҳида тўхталди.

– Инсон учун ширин жонни асрашда энг яқин дўст, халоскоримиз ҳисобланган сиздек шарафли касб эгаларининг фидокорона меҳнати ҳар қанча таҳсини, эътирофга лойиқ, – деди А. Усманов. – Ҳаёт бор экан, инсон ҳақиқат шифокорлар ёрдамига эҳтиёж сезади. Шу маънода тиббиёт ходимларининг машаққатли, шу билан бирга гоёта шарафли меҳнати биз учун ниҳоятда қадрли. Мустақиллик



шарофати билан тиббиёт соҳасида муҳтарам Президентимиз раҳбарлигида амалга оширилган қўлмали ислохотлар самараси

бугун бор бўй-бабини намойиш этиб турибди. Қайсики, соҳага доир улкан ютуқларимизни бугун дунё аҳли тан олмоқда.

Хусусан, вилоятимизда амалга оширилган соҳага доир чора-тадбирлар туфайли бугун ҳаёт бардавом. Ҳозирги кунда 80-100

ёшли кексаларимиз қўлаб бораётганида ҳам сизнинг хизматингиз катта.

(Давоми 2-бетда).

Семинар

ИЗЛАНИШ, ТАЖРИБА, МАҲОРАТ

ҳар бир ижодкор фаолиятининг
муҳим мезони

Бугунги тезкор ахборот асри оммавий ахборот воситалари, хусусан, босма матбуот нашрлари олдида муҳим ва устувор вазифалар қўймоқда. Ўз навбатида, жойларда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий ислохотларнинг мазмун-моҳиятини, қабул қилинаётган қонунлар ва бошқа муҳим ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларнинг жойларга етиб боришини таъминлаш ҳар бир оммавий ахборот воситаси ижодкоридан тезкорлик, ҳолислик билан бир қаторда фидойилик, касбий маҳорат ҳамда тажриба талаб этади.

Қувонарлиси, айни пайтда вилоятимизда чоп этилаётган 60 дан ортиқ газета-журналлар жамоалари бу жараёнда ўзига хос фаоллик, ҳозиржавоблик ва таъбиқ қўрсатишга баҳоли қудрат интилаётир. Кейинги пайтларда га-

зеталарнинг ададидан тортиб, нашр сифати ва мазмун-мундарижасига-ча сезиларли даражада юксалиб бораёпти. Таҳририятларда меҳнат қилаётган журналист ва техник ходимларнинг профессионал маҳоратини ошириш, уларга замонавий шарт-шароит, қўлай ижодий муҳит яратиб бериш қўламини анча кенгайтирди. Шу билан бирга айрим нашрлар фаолиятида қўнунийликка риоя қилиш, матбуот сўзининг салмоғини ошириш, муштарийлар талаб ва эҳтиёжларини тўла қондиришда қамчилик ва нуқсонлар ҳам учраб турибди.

Вилоят ҳокимлиги, матбуот ва ахборот бошқармаси республика Журналистлар ижодий уюшмаси билан ҳамкорликда таъкид этилган анъанавий семинарда шу масалалар хусусида сўз борди.

(Давоми 2-бетда).



Қобилжон ҒОҒУРОВ олган сурат.

Эътироф

ЎЗБЕКИСТОН БОЗОРИ БАРҚАРОР ВА ИСТИҚБОЛЛИ



Президентимиз Ислам Каримов фармойишига мувофиқ жорий йилнинг 5-6 ноябрь кунлари пойтахтимизда Халқаро инвестициявий форум бўлиб ўтди. Мазкур нуфузли анжуманда 250 дан ортиқ хорижий компаниялар, халқаро иқтисодий ва молиявий тузилмаларнинг раҳбар ва вакиллари, олим ва экспертлар иштирок этди. ЎзА мухбирлари анжуман қатнашчилари билан суҳбатда бўлди.

Эдгар КЛОЗЕ, Бранденбург Техноложиялар ва инновацияларни ривожлантириш ва қўлаб-қувватлаш институти бошқаруви раиси, профессор (Германия):

– Ушбу нуфузли форумга тақлиф этилганимдан бахтиёрман.

Президент Ислам Каримов томонидан пухта ва гоёта тўғри ишлаб чиқилган, машҳур беш таъминот асосланган тараққиётнинг "Ўзбек модели" асосида Ўзбекистон барча соҳаларда юксак на-

тижаларга эришмоқда. Юртингизда амалга оширилаётган ислохотлар замирида инсон манфаатларини таъминлаш, халқ фаровонлигини ошириш, аҳоли турмуш тарзини юксалтириш, баркамол авлоднинг тарбиялаш каби хайрли мақсадлар мужассам экани диққатга сазовор.

Халқаро инвестициявий форум Ўзбекистон иқтисодиётининг янада раванқ топишига хизмат қилиши шубҳасиз. Хорижий ишбилармонлар,

жумладан, Германия бизнесменлари Ўзбекистон билан савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни янада ривожлантиришдан манфаатдор. Зеро, Ўзбекистон бозори Марказий Осиёдаги энг йирик ва истиқболли бозордир.

Тай Хён ЧИ, "D&N International" компанияси бош ижрочи директори (Жанубий Корея):

– Ўзбекистон иқтисодиёти юксак суръатларда

(Давоми 2-бетда).

Бу ҳақда вилоят ҳокимлик соатларида гапирилган эди

НОМСИЗ КЎЧАЛАР, РАҚАМСИЗ УЙЛАР...

Вилоят ҳокимлик соатларида ҳудудларни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, йўл, кўча, хиёбон, умуман, аҳоли истиқомат ва дам олиш масканларини озода, кўркам ва тартибли сақлаш ҳақида кўп гапирилади. Намунали гузар, маҳалла, кўча ва хонадонлар ибрат қилиб кўрсатилади. Шу сабаб ҳаракатларнинг самараси ўларок, вилоят шаҳар ва қишлоқлари қиёфаси тобора гўзаллашиб бормоқда.

Бирок, Қуйи Чирчиқ туманига хизмат сафаримиз давомида айрим

нохуш манзараларга дуч келдик. Марказдаги номсиз кўча бўйлаб рақамсиз уйлاردан ўтиб борар эканмиз, ҳокимият кўчасига бурилишдаги бекат ўриндиқлари синиб ётгани, атроф антисанитария ҳолатида экани дилимизни хира қилди.

Шу алфозда 3-4 та кўчани айландик. Қаерга қараманг, ахлат уюмлари, симёғочлардаги лампочкаларнинг сингани ёки бори ҳам қуйгани, кўча таъмирталаб ҳолатда эканига кўзингиз тушади.



"Ибрат" МФЙ раиси Асан Куртбединовни топдик. У 2012 йилдан бери раис экан.

– Маҳалламизда 18 та кўча бўлиб, 529 та хонадонда 2080 аҳоли яшайди, – деди у. –

Уйлarning аксарияти рақамланган.

(Давоми 2-бетда).

8 декабрь – Ўзбекистон Республикаси
Конституцияси қабул қилинган кун

Мамлакатимиз Конституцияси халқимизнинг азалий орзу-умидларини ўзида муҳассас этгани билан тарихий аҳамиятга эгадир. Зеро, бу

олий ҳужжат халқимиз ҳаётида, унинг улкан яратувчилиги, бунёдкорлик фаолиятида ҳар томонлама мадад берадиган ҳуқуқий манба ҳисобланади.

ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСИ

Конституция ҳар бир мамлакатнинг Асосий Қонуни бўлиб, унинг асосида давлат ва жамият изчил такомиллашиб боради. Шу маънода, давлат ва жамият тараққиётининг нечоғлик даражада эканини унинг Конституцияси орқали билиш мумкин. Мустақилликка эришгач, ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш жамиятимиз ривожининг сиёсий ва конституциявий мақсади этиб белгиланди.

Мустақиллик Ўзбекистон Конституциясидек тарихий аҳамиятга молик ҳужжатни яратиш ишлари Президентимиз Ислам Каримов раҳбарлигида олиб борилди ва амалга оширилди. Ўзоқ тайёргарлик ва умумхалқ муҳокамасидан сўнг 1992 йил 8 декабрда мустақил Ўзбекистон Республикасининг биринчи Конституцияси қабул қилинди.

Ўтган йиллар давомида Конституциясиз мамлакатни турли хавф-хатарлардан асрашда қалқон вазифасини бажариб келмоқда. Халқимиз Конституция доирасида унинг мустаҳкам қоидалари асосида бунёдкорлик ишларида қизғин фаолият кўрсатмоқда. Зеро, инсон эртанги кунига ишониб яшаса, унинг ҳуқуқий асослари қафолатланган бўлса, шундагина у жамият тараққиётида, қолаверса, шахсий ҳаётида муҳим ўзгаришларни амалга оширади.

Ўзбекистон Конституцияси келажаги буюк Ўзбекистон ва унинг халқи раванқи йўлида ҳуқуқий пойдевор бўлиб хизмат қилмоқда. У мамлакатимиз барча фуқароларининг қонун олдида тенг эканлигини эътироф этгани билан аҳамиятлидир. Хусусан, Бош Қомусимизнинг 18-моддасида шундай дейилади: "Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, irqи, миллати, тили, дини,

ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар.

Имтиёзлар фақат қонун билан белгиланиб қўйилади ҳамда ижтимоий адолат принципларига мос бўлиши шарт". Бундан кўриниб турибдики, фуқароларнинг тенглиги қонун билан мустаҳкамланган. Демак, қонун ҳамма учун баробар бўлиб, шунинг баробарида ҳамма унга бўйсунishi шарт. Зеро, қонун устуворлигидан давлат ҳам, халқ ҳам манфаатдордир.

Конституция асосида мамлакат ҳаётининг турли соҳаларига оид меъёрий қонунлар яратилди ва кучга киритилди. Энг асосийси, Конституциявий меъёрлар асосидаги қонунлар инсон ва жамият манфаатларига йўналтирилган бўлиб, улар Асосий Қонуннинг муҳим таркибий қисмидир.

Конституция давлат ва халқ ҳаётига оид барча қонунларни ягона мақсад ва гоёта теварагида бирлаштирувчи ва бўйсундирувчи умумдавлат миқёсидаги ягона Асосий Қонундир. Унинг асосий мақсади мустақил юртимизни дунёнинг энг етук давлатларидан бирига айлантириш, халқимиз фаровонлигини ошириш, кўп миллатли республика аҳолисини ягона Ватан, ягона мақсад, ягона гоёта теварагида жипслаштиришдан иборатдир. Мамлакатимиз фуқароларининг Конституция ва қонунларга қатъий амал қилиши мажбурий бўлиб, ҳуқуқий демократик давлат барпо этишининг энг зарур шарти ҳисобланади. Ҳуқуқий демократик давлат таъинилари кўп миллатли давлатимизнинг асрлар давомида шаклланган анъаналари, урф-одатлари, бой маданий меросини асраб-авайлаш ва ривожлантиришга қаратилган бўлиб, бу айнан давлат ва халқ манфаатларининг уйғунлиги-

дан далолатдир. Жамият ва халқ манфаатлари уйғунлашган жойда Ватан раванқи ва халқ фаровонлиги юксалиб бораверади.

Конституцияда фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳар томонлама ҳимоя қилиш тўла-тўқис ўз ақсини топган. Хусусан, 22-моддада шундай дейилади: "Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида ҳам, унинг ташқарисида ҳам ўз фуқароларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш ва уларга ҳомийлик кўрсатишни қафолатлайди". Бундан кўриниб турибдики, фуқароларнинг ҳуқуқий ҳимояси Асосий Қонунимизда мустаҳкамлаб қўйилган. Бу эса давлат ва унинг фуқаролари ўртасидаги ўзаро ҳамжиҳатлик барқарор бўлишини таъминлайди.

Юртбошимиз Ислам Каримов таъкидлаганларидек: "Шу нуқтаи-назардан қараганда, инсон ҳуқуқлари соҳасида миллий ҳаракат дастурини ишлаб чиқиш долзарб аҳамиятга эга. Ушбу дастур энг аввало ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва назорат органлари томонидан инсон ҳуқуқи ва эркинликларининг ҳимоя қилинишини таъминлаш, жамиятда инсон ҳуқуқлари бўйича маданиятни шакллантириш ва шу каби бошқа соҳаларга оид қонунларга риоя этилиши устидан жамоатчилик мониторингини олиб боришга қаратилган чора-тадбирларни ўзида мужассам этиши керак".

Конституциянинг бош мақсади инсон манфаатларига қаратилган. Шу боис халқ манфаатлари йўлидаги ислохотларни янада изчил давом эттиришнинг ҳуқуқий асосларини яратиб бериб, Ватанимизнинг гуллаб-яшнаши ва мустақил Ўзбекистонимизнинг буюк келажакни бунёд этишда асосий қонун бўлиб хизмат қилмоқда.

ҲАКИМ АЗИМОВ,
Тошкент Давлат юридик университети доценти,
тарих фанлари номзоди.

Эртага – тиббиёт ходимлари кун

Қолаверса, барча замонавий тиббий жиҳозларга, кулайликларга эга 26 та вилоят поликлиникалари, 18 та кўп тармоқли тиббиёт марказлари, 248 та кишлоқ врачлик пунктлари, 66 та стационар, 10 та оилавий поликлиника аҳоли хизматида...

– Дарҳақиқат, тиббиёт соҳасидаги улкан ўзгаришлар мени лол қолдиради, – дейди "Меҳнат шухрати" ордени нишондори, вилоят сийла қарши кураш диспансери бош шифокори Абдувоҳид Содиков. – 1998 йили Ўртабшимолиннинг "Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини ислох қилиш Давлат тўғрисида"ги Фармонида кейинги ўтган даврда амалга оширилган улкан ишлар вилоятимиз тиббиёт соҳасини

(Давоми. Боши 1-бетда).

Зангиота тумани, Ҳасанбой қишлоғидаги 2-шифохона яқиндагина мукамал таъмирдан чиққач, замонавий кўринишга, барча қулайликларга эга бўлди.

МЕН СИЗДАН ШИФО ТОПДИМ...

– Мени шифокорларнинг хушмуомаласи, меҳрибонлиги, ширин сўзлари оёққа турғизди, дардларим ариди, – дейди Замира Абдурахмонова. – Қўли енгил ҳамширалар, тажрибали, юқори малакали, меҳрибон шифокорлар, саранжом-саришта ходимлардан миннатдорман...

Ҳақиқатан ҳам, асаб тизими ва юрак-қон томирлари хасталиклари, қулоқ, томоқ, бурун касалликлари бўлимларида даволанаётган ҳар бир бемор шифокорларнинг назорати, ардоғи билан оёққа туриб, соғлом ҳаётга қайтмоқда. Шифохонадаги физиотерапия, стоматология хонаси, УЗИ, ЭКГ, ЭЭГ, рентген, ЛОР, ЛФК хоналари беморлар хизматида.

– Мустақиллик йилла-

САЛОМАТЛИГИМИЗ ПОСБОНЛАРИ ШАРАФЛАНДИ



юксакларга кўтарганининг гувоҳи бўлиб турибмиз. Ахир, яхши ишлаш учун яхши шароит ҳам керак.

Ҳозирги кунда аҳолига хизмат кўрсатаётган 5 мингга яқин шифокор, 35 мингга яқин тиббиёт ходимлари, 29 мингдан



зиёд ҳамширалар мана шундай қулай шароитларда меҳнат қилаётгани қувонарли. Улар давлатимиз раҳбарининг соғлом

она – соғлом бола, репродуктив саломатлик, болалар ва ўсмирлар саломатлиги муҳофазасига доир кўрсатмалари асо-

сида фаолият олиб бормоқда. "Энг яхши кишлоқ врачлик пунктлари", "Намунали оилавий поликлиника"ларда аҳолига астойдил хизмат кўрсатмоқда.

Тадбир давомида шундай фидойи шифокор, ҳамшира, умуман барча фаол тиббиёт ходимлари, меҳнат фахрийларига вилоят ҳокимининг, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасининг фахрий ёрлик ва эсдалик совғалари топширилди.

Таниқли санъаткорлар, вилоятимизнинг хушовоз хонанда ва рақосларининг чиқишлари иштирокчиларга завқ-шавқ улашди.

Сайёра РИХСИЕВА,
"Тошкент ҳақиқати"
мухбири.
Қобилжон ҚОҒУРОВ
олган суратлар.

МИЛЛИЙ МОДЕЛЬ АМАЛДА



Чирчиқ шаҳридаги вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт марказида Президентимизнинг 2014 йил 1 августдаги "2014-2018 йилларда Ўзбекистонда аҳолининг репродуктив саломатлигини янада мустаҳкамлаш" налар, болалар ва ўсмирлар соғлигини муҳофаза қилиш борасидаги Давлат дастури тўғрисида"ги Қарори билан тасдиқланган "Соғлом она – соғлом бола" Миллий моделини амалга ошириш доирасида оналар, болалар ва ўсмирлар касалликларининг олдини олиш, даволашга йўналтирилган кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. 245 ўринли шифохонанинг барча бўлимлари ва марказ қошидаги 240 қатновга мўлжалланган маслаҳат-ташхис поликлиникасининг "Саломатлик-2", "Сало-

матлик-3" лойиҳалари асосида замонавий тиббий-техник ускуналар билан таъминлангани беморларга юқори малакали тиббий хизмат кўрсатиш имконини бермоқда. – Оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш, тиббий профилактика самарасини ошириш фаолиятимизнинг муҳим йўналишидир, – дейди тиббиёт маркази бош шифокори Лола Сайидалиева. – Бу вазифага ҳар бир бўлимда тажрибали шифокор ва ҳамширалар масъул этиб белгиланган ва улар режа асосида иш юритилмоқда. Ташхис қўйиш, профилактика ва муолажа сифатини таъминлашда тиббиёт ходимларининг малакаси изчил ошириб борилаётгани муҳим омил бўлмоқда.

Марказ қошидаги маслаҳат-ташхис поликлиникасининг каси ходимлари туғуруқ

ёшидаги ва ҳомиладор аёллар ўртасида тушунтириш, профилактика ва даволаш-диагностика тадбирларини изчил олиб боришаётгани турли ижтимоий ва ирсий касалликларнинг олдини олишда катта роль ўйнамоқда.

– Маслаҳат-ташхис поликлиникамиз қошидаги

лаборатория ходимлари вақти-вақти билан шифохонада муолажа олаётган оналар ўртасида тахлилий тадбирлар ўтказилмоқда, – дейди бош ҳамшира Дилбар Сайдиумарова. – Бу оналар ва болаларда кўп учраётган касалликларнинг келиб чиқиш сабабларини аниқлаш ва олдини олишга ёрдам бермоқда. Хусусан, кейинги пайтда ўтказилган тахлиллар аёлларимизда камқонлик ва асаб билан боғлиқ касалликларнинг нисбатан кўп учраётганини кўрсатди. Шу йўналишда чуқурлаштирилган текширув, профилактика ва тушунтириш олиб бормоқдамиз. Дастур асосидаги тадбирлар қисларни эрта турмушга бериш ва яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳларнинг олдини олиш, турли касалликлар камайиши ва аҳолининг тиббий маданияти юксалишига хизмат қилмоқда.

Юлдузхон МУХИДДИНОВА,
"Тошкент ҳақиқати"
мухбири.
Мансур НАХАЛОВ
олган суратлар.



ҚўЛИ ЕНГИЛ ЖАРРОҲ

– Жон доктор, илтимос, ўғлимни кутқаринг. У менинги ёлғиз фарзандим, кўзимнинг оқу-қораси...

Ёши элликлардан ошган аёл тинимсиз илтижо қиларди.

– Ҳамшира, беморни зудлик билан операцияга тайёрланг. Ахволи жуда оғир. Кўп кун йўқотган, – деди доктор жиддий.

Операция узок давом этди. Доктор ҳорғин ҳолатда, пешонаси реза-реза терга ботганича, операция хонасидан чиқди.

– Докторжон, ўғлимнинг ахволи яхшими? – сўради онаизор.

– Ўзингизни қўлга олинг, операция оғир кечди. Биз қўлимиздан келган ҳамма ишни қилдик. Энди бу ёғи Худодан, – дея доктор шифокорлар хонасига кириб кетди.

Орадан икки-уч кун ўтди. Автохалокатга учраган йигит кўзини очди. Жигарбандининг хушига келганини кўрган онаизор қувончдан дунёларга сиймай кетди...

Бу ўз касбининг ҳақиқий фидойиси, малакали шифокор Мухиддин Норматовнинг кундалик иш фаолиятдан бир шингил холос. Унинг қирқ йиллик фаолиятида бундай воқеалар кўп бўлган, энг оғир беморларни ҳам ҳаётга қайтарган.

Мухиддин Норматов Тошкент Давлат тиббиёт институтини тамомлагач, Юқори Чирчиқ тумани марказий шифохонаси қабул бўлими мудири ва туман кўп тармоқли марказий по-

ликлинкаси жарроҳи лавозимларида узок йиллар меҳнат қилди. Бу йилдан эса туман марказий шифохонасидаги тез тиббий ёрдам кўрсатиш бўлими мудири лавозимида ишламоқда. Қизилари Гулназа ва Дилафруз ҳам ота касбини танлашди.

– Шифокорлик касблар ичида энг нозик, энг масъулиялиси, – дейди Мухиддин Норматов. – Нозик дейишимиз сабаби – одамлар соғлиги, ҳаёти кўпроқ бизнинг тажрибамизга, ишчимизга масъулият билан ёндашишимизга боғлиқ бўлади. Чунки шифокорларнинг малакаси, тажрибаси сабаб қўлаб инсонлар ҳаёти сақлаб қолинади. Бугунги кунда юртимизда аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш устувор вазифага айланган. Хусусан, соғлиқни сақлаш тизимини ислох қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, туман марказий шифохонаси қошида янги барпо этилган туғуруқхона мажмуаси қурилиши учун 2,3 миллиард сўм сарфланди. Барча кулайликларга эга 50 ўринли туғуруқхона энг замонавий тиббий асбоб-ускуналар, мебель ва жиҳозлар билан таъминланди. Кавардон қишлоғида барча кулайликларга эга бўлган замонавий кишлоқ врачлик пункти қурилиб, фойдаланишга топширилди. Унинг қошида "Турон" дорихонаси ҳам очилиб, аҳолига хизмат кўрсатмоқда.

Латифжон МАНСУРОВ.

Семинар

ИЗЛАНИШ, ТАЖРИБА, МАҲОРАТ

Унда вилоят ҳамда туман ва шаҳар газеталари муҳаррирлари, ижодий ва техник ходимлар, ноширлик ва матбаачилик корхоналари мутасаддилари иштирок этишди.

"Оммавий ахборот воситалари фаолиятида қонунчилик риоя этилиши" мавзусидаги семинарда сўзга чиққан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Р. Қушербоев, республика Журналистлар ижодий уюшмаси раиси И. Ҳалимбеков, "Хурият" газетаси бош муҳаррири Ҳ. Мирзаёров ва бошқалар Президентимиз раҳнамолигида соҳа ривожига қаратилаётган эътибор, қабул қилинаётган қонун ва уларнинг моҳияти, журналистлар касб маҳоратини ошириш, тизимда устоз ва шогирдлик аъённаларидан кенг фойдаланиш,

(Давоми. Боши 1-бетда).

тахририятлар фаолиятини ташкил этиш ва бошқарилишнинг ҳуқуқий механизми, хусусида атрофчилик фикр юритиб, иштирокчиларни қизиқтирган саволларга муфассал жавоб берди. Аъёнага мувофиқ, семинар дастури доирасида "Янги йўл" газетаси ижодий жамоаси фаолияти атрофчилик таҳлил қилинди. Кейинги йилларда газетанинг наشر сифати, дизайни яхшилашиб бораётгани, тахририят жамоасига ташаббускор ёшлар кириб келаётгани эътироф этилгани ҳолда, наشر мазмун-мундарижасини янада яхшилаш, хусусан, мавзу ва жанрлар хилма-хиллигига эришиш, руҳ ва сарлавҳалар, суратлар устида ишлаш борасида фикр алмашилиб, тақлиф ва тасвирлар ўртага ташланди.

Эътироф

ЎЗБЕКИСТОН БОЗОРИ БАРҚАРОР ВА ИСТИҚБОЛЛИ

ривожланмоқда. Глобал молиявий-иктисодий инқироз даврида ҳам мамлакатингизда ялпи ички маҳсулот ўсиши 8 фоиздан зиёда ташкил этаётди. Бу мамлакатингиз иқтисодиётига инвестиция қилишга катта ишонч бағишлайди.

Ўзбекистонда саноатнинг барча тармоқлари юқори технологиялар, ноу-хаулар жорий этилмоқда ва бу орқали ишлаб чиқаришда катта натижаларга эришилмоқда. Жанубий Корея бу борада Ўзбекистон билан фаол ҳамкорлик қилаётди. Биз мамлакатингиздаги сармоявий муҳит ҳақида тўлиқ маълумотга эгамиз. Халқаро анжуман доирасида Ўзбекистон компаниялари билан музокаралар ўтказдик.

ЛУИЖИ ИПЕРТИ,
"Италия – Ўзбекистон" қўшма савдо палатаси президенти,
"Techint Industrial Corporation Spa" компанияси вице-президенти ва ижрочи директори (Италия):

– Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тад-

(Давоми. Боши 1-бетда).

биркорликни ривожлантириш, иқтисодиётнинг барча тармоқларига хориж сармоясини жалб этишга алоҳида эътибор қаратаётди. Бу соҳада қабул қилинаётган ҳуқуқий ҳужжатлар ва амалга оширилаётган чора-тадбирлар хорижий сармоядорларнинг Ўзбекистон билан ҳамкорликни мустаҳкамлашга қизиқишини оширмоқда.

Ўзбекистон билан Италия ўртасидаги алоқалар саноат, кишлоқ ҳўжалиги, тўқимачилик ва мода каби қўлаб соҳаларда изчил тараққий этмоқда. Хусусан, ташкилотимиз 15 йилдан зиёд вақт мобайнида мамлакатингиз билан савдо ва сармоявий соҳаларда ҳамкорлик қилиб келмоқда. Бу муносабатларни янада мустаҳкамлаш, Ўзбекистонда янги юқори технология ишлаб чиқаришларни барпо этиш, тўқимачилик саноатини ривожлантиришда фаол иштирок этиш ниятидамыз. Бу борада Тошкентда ўтказилган Халқаро инвестициявий форумнинг аҳамияти катта. Ушбу халқаро анжуман мамлакатингизда бизнес юри-

тишнинг истиқболли йўналишлари билан яқиндан танишиш, ўзаро фикр ва тажриба алмашиш, янги қўшма лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш юзасидан музокара олиб бориш имконини берди.

Хуан Рамон ДУРАН,
"SERCOBE" саноат жиҳозлари ишлаб чиқарувчилар уюшмаси бош директори (Испания):

– Уюшмамиз таркибидаги 350 дан зиёд компания нефть-газ, тўқимачилик, машинасозлик, энергетика каби соҳаларда иш юритади.

Халқаро инвестициявий форум иштирокчилар учун жуда фойдали бўлди. Хусусан, уюшмамиз таркибидаги компанияларга мамлакатингизда сармоявий лойиҳаларни амалга ошириш, қўшма корхоналар ташкил этиш имконини берди. Юртингиздаги турли корхоналар билан танишиш, талаб ва тақлифларни ўрганиш, самарали қилишувларга эришиш учун замин яратди.

ЎЗА МУҲБИРЛАРИ
ИРОДА УМАРОВА,
НОДИРА МАНЗУРОВА
ёзиб олди.

Бу ҳақда вилоят ҳокимлик соатларида гапирилган эди

НОМСИЗ КЎЧАЛАР, РАҚАМСИЗ УЙЛАР...



Раиснинг гапидан сўнг масалала ойдинлик қилиш мақсадида Пушкин кўчасидаги рақамли уйлари санаб чиқдик. 50 та хонадон бор-йўғи 18 тасида рақам бор экан.

Уйлаб қолсан киши. Худо кўрсатмасин-у, ярим кечада бировнинг уйига ўт тушса ёки юрак хуружи билан тез ёрдамга муҳтож бўлиб қолса...

Тасаввур қилинг, ўнқир-чўнқир, қоп-қоронғи, номсиз кўчалардаги рақамсиз уйлاردан жабрдийдани

(Давоми. Боши 1-бетда).

топгунча, ёрдамга ҳам ҳолат қолмас, эҳтимол. Яна бир ҳолат. 2013 йил 28 декабрда географик объектларни номлаш ва қайта номлаш масалалари бўйича 2 та ҚФЙ ва 11 та МФЙ номи ўзгартирилиши белгиланганига қарамай, баъзилари ҳамон эски муҳр билан ишлаётганига нима дейсиз?

Ободонлаштириш бошқармаси бошлиғи Назир Оққуловдан амалга оширилаётган ишлар хусусида суриштирдик.

– Кўнчилиқ билан иш-

лаш оғир, – дейди у. – Аҳолининг учдан бири билан шартнома тузганмиз. Бундан тушган маблағ эса ёқилғи, техника таъмири ва ишчилар маошига етар-етмас.

"Ранг кўр – ҳол сўр"

деганларидек, аҳоли-

нинг аксарияти ахлатларни ташиш юзасидан шартнома тузгани етмаганидек, чиқиндиларни тобора кўпайтирмоқда.

Кўчалардаги чиқиндилар туғрисида гапирилиши ҳолати йўқ. Маҳалла ахли қачон шу кўча, шу маҳал-

ла меники, деб яшашни ўрганади? Симёғочларга лампочка қўйиб улгуришмаяпти, айрим ёшлар синдириб кетишляпти. Наҳотки, бу безориликни ҳеч ким кўрмаётган бўлса? Кўришмаяпти, лекин кўрмасликка олишмаяпти.

Даврон АХМАД.



Жараён

МУҲОФАЗА ДАСТУРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Илгари хабар қилганимиздек, виллоят табиатини муҳофаза қилиш қўмитасида "Ўзбекистон Республикасининг 2013-2017 йилларга мўлжалланган атроф-муҳитни муҳофаза қилиш юзасидан ҳаракат дастури" виллоят ҳудудида қандай бажарилаётганини муҳокама қилиш ҳамда камчилик ва нуқсонларни бартараф этиш чораларини белгилаб олиш мақсадида жамоатчилик тинглови ўтказилди.

Виллоят ҳокимлиги, табиатини муҳофаза қилиш қўмитаси ва Ўзбекистон Экологик ҳаракати виллоят ҳудудий бўлини маси кенгаши аъзолари ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Экоҳаракат депутатлари гуруҳи ва ҳаракатнинг виллоят ҳудудий бўлини маси кенгаши аъзолари, Нодавлат нотиҳорат ташкилотлари миллий ассо-

циацияси ҳамда дастур ижросига масъул бўлган корхона ва ташкилот ва-киллари иштирок этди. Юқоридаги дастурни бешта йўналиш, яъни экологик хавфсизлик кафо-латларини қўлай шарт-шароитлар яратиш, икти-содиёт тармоқларининг технологик жараёнлари ва табиатини муҳофаза қилиш фаолиятини тақомиллашти-риш, атроф-муҳитнинг ишлаб чиқариш ва ҳўжа-

лик чиқиндилари билан ифлосланишининг олдини олиш, табиатдан фойда-ланиш, экологик тарбия ва умуман табиат муҳофа-засига оид қонунчилик ҳамда меъёрий-услубий базани ривожлантириш ва нийҳоят табиий муҳит-нинг трансгеографик иф-лосланишининг олдини олиш бўйича минтақавий ва халқаро ҳамкорлиқни қўлайитириш йўналишларида амалга ошириш

қўзда тутилган.

Таъкидландики, виллоят ҳудудий дастурига кири-тилган 25 та тадбирдан 2015 йил 25 сентябрь ҳолатига 7 таси тўлиқ бажарилган, 18 тасини ижро этишга қаратилган саъй-ҳаракатлар давом этаёпти. Жумладан, "Ўзметкомбинат" ОАЖ "Сортопрокат" цехининг методик қизитиш печи корхона маблагидан 3 миллион АҚШ доллари сарфланиб реконструкция қилинган, йилига атмо-сферага 45 тонна ифлос-лантирувчи моддалар чиқарилишининг олди олини-ди. Шунингдек, комбинат-нинг темир-терсакни қай-

та ишлаш цехи корхона-нинг 5 миллион 810 минг АҚШ доллари миқдориди-ги маблағи ҳисобига мо-дернизация қилиниб, ат-мосферага 80 тонна иф-лослантирувчи моддалар чиқарилишига чек қўйил-ди. Тадбир сўнгиде атроф-муҳит муҳофазасига оид давлат дастурларини амалга оширишда, мин-тақавий ва халқаро ҳам-корлиқни ривожлантириш-да давлат органлари ва жамоат ташкилотлари саъй-ҳаракатларини бир-лаштириш муҳим аҳа-миятга эга эканлиги таъкид-ланди.

Ўз муҳбиримиз.

ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ ЎЗ ҚЎЛИНГИЗДА

Бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олишнинг биринчи шартини ҳайдовчи ва пиёдаларнинг йўл ҳаракати қондаларига қатъий риоя этишидир.



Бугунги кунда аксарият транспорт воситалари газ-да ишлайди. Демак, улар фаолияти алоҳида назо-ратни талаб этади. Жум-ладан, газда ишлашга қайта жиҳозланган транс-порт воситалари ҳайдов-чилари ўрнатилган тар-тибдаги муддатларда газ

баллонлари ва мосламала-рини синовдан ўтказиб ту-ришлари, газ хиди сезил-ганда зудлик билан ўт ол-дириш тизимини ўчириб, транспорт воситасини хавфсиз ҳудудларга қў-йишлари ҳамда газ бал-лонининг механик клапан-ини ёпиб, мутахасссига

мурожаат қилишлари ло-зим.

Бундан ташқари, ўрна-тилган босимдан ортқ газ ёқилгиси қуймаслик керак. Транспорт воситасини (ишдан сўнг) сақлаш вақ-тидан олдин ўт олдириш тизимини ўчиришдан газ баллонни механик клапан-ини ёпиб қўйиш талаб эти-лади. Натижада баллондан двигател тизимига гача бўлган қувурлардан газ охирига чиқиб кетади.

Ушбу тавсиямизга риоя этсангиз, ўзингиз, ҳам-касбларингиз, йўловчилар-нинг хавфсизлигини таъ-минлаган бўласиз.

С. НАЗИРХОНОВ,
виллоят ИИБ ЎХХБ
техника назорати
бўлими бошлиғи.

ЮРТ РАВНАҚИГА ХИЗМАТ ҚИЛИШ — ОЛИЙ САОДАТ

Чирчиқ шаҳридаги Офицерлар уйида рес-публика Маънавият тарғибот маркази виллоят ҳамда Чирчиқ шаҳар бўлими, УЭМТДП виллоят кенгаши, Чирчиқ ҳарбий гарнизони ҳамкорли-гида республика Президентининг "Она юрти-миз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш — энг олий саодатдир" китоби-нинг тақдирот маросими бўлиб ўтди.

Унда Чирчиқ шаҳри корхона, ташкилот, ўқув муассасаларининг маънавий-маърифий ишлар-га масъул ходимлари, Чирчиқ гарнизонига қарашли ҳарбий қисмларнинг тарбиявий ишлар бўйича командирлари, курсантлари ҳамда ма-ҳалла маслаҳатчилари ва ОАВ ходимлари ишти-рок этди.

Очиқ ва самимий мулоқот руҳида ўтган анжу-манда мазкур китобнинг нашр этилиши мамла-катимизнинг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маъ-рифий ҳаётида беқийс аҳамиятга молик улкан воқеа экани алоҳида таъкидланди. Ушбу китоб-дан давлатимиз раҳбарининг сайловолди жара-ёнларидаги йигирмадан зиёд урчуш ва анжу-манларда билдирган энг муҳим, концептуал аҳамиятга молик гоя ва фикр-мулоҳазалари ўрин олган.

Тақдирот маросимида китобда давлатимиз ва жа-миятимизнинг яқин ва узоқ истиқболга мўлжалланган тараққиёт стратегияси аниқ-рав-шан белгилаб берилгани, илм-фан, таълим-тар-бия, маданият ва санъат, спорт каби ижтимоий соҳаларни барқарор ривожлантириш, юртимиз-даги ҳар бир ҳудуд ва минтақа тараққиётини янги-босқичга қўтаришга доир режа ва устувор лойиҳалар, бугунги кунда дунёда юз бераётган кескинлик ва қарама-қаршиликлар, турли таҳ-дидларнинг олдини олиш, Ўзбекистоннинг таш-қи сиёсат концепцияси тўғрисидаги қарашлар ҳар томонлама пухта асосланган ҳолда баён қилинган қайд этилиб, ўртага қўйилган гоят муҳим ва долзарб масалаларнинг моҳияти ху-су-сида атрофлича фикр билдирилди.

Тадбирда мамлакатимизнинг истиқлол тари-хини теран идрок этиш, юртдошларимизни ижтимоий фаолликка ундаш, янги-янги марра-лар сари руҳлантиришга беқийс аҳамиятга эга бўлган асарни чуқур ўқиб-ўрганиш, унинг моҳи-ятини кенг жамоатчиликка айланиш, ёшларга етказиш бўйича амалий тақлиф ва тавсиялар берилди.

Республика Маънавият тарғибот
маркази виллоят бўлими.

ХАЙРЛИ АМАЛЛАР, ОБОД КЎНГИЛАР...

Халқаро Амир Темур жамғармаси виллоят бўлими-нинг инсонпарварлик тамойилларига асосланган халқчил лойиҳасини Ўзбекистон Олий Мажлиси ҳузу-ридаги Нодавлат нотиҳорат ташкилотларини қўллаб-қувватлаш фонди маъқуллаб, 15 миллион сўм грант-га лойик қўрган эди.

Йил давомида бу маблаг лойиҳада қўрсатилган хайр-ли амалларга йўналтири-либ, одамларга рағбат, қўнғилларига ободлик улашмоқда. Шундай хайрли

тадбирлар Бўстонлик, Охан-гарон, Пискент туманлари ва Чирчиқ шаҳрида ўткази-либ, ижтимоий муҳофазасига муҳтож оилаларга эсдалик совғалари улашилди.

ҚОНУНЧИЛИК ТАКОМИЛЛАШМОҚДА

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда суд-ҳуқуқ ти-зимини демократлаштиришга, жиноят, жиноят-процес-суал қонунчилигини либераллаштиришга, инсон ҳуқуқла-ри ва эркинликларни пухта ҳимоя қилинишини таъмин-ловчи мустақил суд ҳокимиятини шакллантиришга йўнал-тирилган кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Бу халқаро ҳамжамиятнинг қатъи эътибор ва эътирофига сазовор бўлаётгани ҳам бора бора.

Ўтган қисқа вақтда Ўзбеки-стон Республикаси Конституция-сида акс эттирилган принци-пларга мувофиқ жиний ҳазо тизими ва суд ишларини юри-тиш босқичма-босқич либерал-лаштирилиб, умумий юрисдик-ция судлари ихтисослаштирил-ди. Ишларни қўриб қўйишнинг апелляция тартиби жорий этилди, ярашув институти ки-ритилди, ўлим жазоси бекор қилиниб, унинг ўрнига умрбод

ёқи узоқ муддатли озодликдан маҳрум қилиш жазо тури жо-рий этилди. Эҳтиёт чораси сифатида қамқоқ олиш ва уй қамқоғи, шунингдек, лавозим-дан четлаштириш ва шахсни тиббий муассасасига жойлашти-риш процессуал мажбурлов чораларини қўллашга санкция бериш ҳуқуқи судларга ўтқа-зилди.

Адвокатура соҳасида ўтқа-зилган ислохотлар жиноят

ишларини юрийтишда прокурор ва адвокатнинг тенглигини, жиноят ишлари бўйича иш юритувнинг барча босқичлари-да ўзаро тортишувни амалда таъминлашга хизмат қилди. Шу билан бирга, қонунчиликка ушбу ўзгаришлар киритили-ши билан мавжуд муаммолар ечим топти, дейиш нотўғри бўлади. Зеро, келажақда иж-тимоий ҳаётнинг эҳтиёжлари-дан келиб чиққан ҳолда қонун-чиликни янада тақомиллашти-риш, уни қўлловчи ходимлар-нинг ҳуқуқий онги, мадания-ти, маънавий дунёсини ривож-лантириб бориш керак.

А. ХАЛИМОВ,
Чилонзор тумани ИИБ
терговчиси.

ЁНАЁТГАН ХАЗОН — ЗИЁН

Одатда хазонларни тозалик, озодалик учун ёқамиз. Аммо бу атроф-муҳитга қанча зарар келтираётгани-ни биламизми? Маълумотларга қўра, бир тонна хазон ёнганда атмосферага ўттиз килограмм углевод оксиди ажралиб чиқар экан.

Хазон тутуни таркибиде инсон саломатлиги ва атроф-муҳитига салбий таъсир кўрсатувчи олтингузор ан-гидриди, курум, азот окси-ди ва диоксин мавжуд бўлиб, улар қўллаб қасалликларни келтириб чиқаради. Бу бир жиҳатдан хазон-

ларни ёқиб юбориш, хусу-сан, ёш болаларнинг хазон ёқиб ўйнаши оқибатида қўллаб ёнгинлар чиқади. Бу ҳақда огоҳлантириш фақат ёнгин хавфсизлиги хизмати ходимларининг эмас, балки ҳар бир фуқароннинг вазифа-сидир. Зеро, ёнгин бир неча

сонияда одамларни мол-мулкдан, ҳатто қинларидан ҳам жудо қиладиган офатдир. Ёнгин хавфсизлигини таъ-минлаш жиддий бури экани-ни ҳеч ким унутмаслиги ло-зим. Ушбу қондаларига ҳар доим риоя қилиб борилса, йиллаб тўпланган мол-мулк, уй-жойни, қолаверса, ҳар бир фуқаро ўзи ва яқин киши-ларининг ҳаётини ҳам асраб қолган бўлади.

У. КЕЛДИЁРОВ,
Сергели тумани ИИБ ЎХБ
инспектори.

БАРЧАМИЗ БИРДЕК МАСЪУЛМИЗ

Айнан шу даврда совуқ кунлар бошланиб, хонадон-ларда иситиш мосламаларини ишлатиш эҳтиёжи ор-тади. Шунинг баробарида фуқаролар қўлда ясалган, носоз ва ишлатишга яроқсиз мосламалардан фойда-ланишлар.

Содир бўлаётган ёнгинлар тахлили шуни кўрсатмоқдаки, улар асосан хонадонларда газ иситиш печлари ва турли электр жиҳозларидан нотўғ-ри фойдаланиш оқибатида юз бермоқда.

Зеро, аксарият ёнгинлар фуқароларнинг лоқайдлиги,

ишларининг аҳамияти катта. Чунки, содир бўлаётган ёнгин-лар, аввало, ёнгин хавфсизли-ги қондаларини билмаслик ёки унга риоя қилмасликдан келиб чиқади. Айниқса, болалар ўрта-сида қўпроқ тушунтириш иш-лари олиб бориш лозим.

Ҳамиджон НАСИРОВ,
12-ҲҲО 3-ҲҲ
инспектори.
Эрмахан СУЛЕЙМЕНОВ,
12-ҲҲО 3-ҲҲ
инспектори.

ЭЪЛОНЛАР

«VIP REAL ESTATE» МЧЖнинг АУКЦИОН САВДОЛАРИГА МАРҲАМАТ!

2015 йил 24 ноябрь кунини соат 12:00 да мулк-нинг бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошириш тартибиде ўтказилаётган "Очиқ аукцион" савдосига Бўстонлик туман СИБ томонидан хатланган қў-йидаги мулклар тақдоран қўйилмоқда: 1. ЖИБ Тош-кент шаҳар судининг 12.11.2012 йилдаги УСК-1-431/2012-сонли ижро варақасига ҳамда 04.12.2012 йилдаги 12489-сонли ижро ишига асосан бошлан-ғич баҳоси - 406 208 395 сўм бўлган Тошкент вилояти, Бўстонлик тумани, Чимен Қўйида жойлаш-ган, умумий ер майдони 881,0 кв.метр, қурилиш ости майдони 295,5 кв.метрдан иборат бўлган "дала ҳовли". 2. ЖИБ Тошкент вилоят судининг 14.05.2013 йилдаги 3020-сонли ижро варақасига асосан, бошланғич баҳоси - 1 271 086 093 сўм бўлган Тошкент вилояти, Бўстонлик тумани, Чорбоғ Қўйи, "Чорбоғ гузал боғи" БУШДА жойлашган, умумий фойдаланиш майдони 280,30 кв.метрдан иборат бўлган "дала ҳовли". 3. ЖИБ Тошкент вило-ят судининг 27.12.2013 йилдаги 2-195-13-сон-ли ижро варақасига асосан бошланғич баҳоси - 172 158 469 сўм бўлган Тошкент вилояти, Бўстон-лик тумани, Янгиқўл Қўйида жойлашган, умумий қурилиш майдони 1195,11 кв.метр, умумий фой-даланиш майдони 468,26 кв.метр, асосий бинолар сони 6 та, ерданми бинолар сони 3 та бўлган "қўй-қўра" бино ва ишоотлари. 4. Тошкент вилоят ҳўжа-лик судининг 24.11.2014 йилдаги 11-1134/15152-сонли ижро варақасига асосан Тошкент вилояти, Охангарон туман СИБ томонидан хатланган, бошлан-ғич баҳоси - 150 602 300 сўм бўлган Тошкент вилояти, Охангарон тумани Дўстлик Қўйида жой-лашган умумий майдони 442,8 кв.метрдан иборат бўлган "ҳаммом биноси". Савдога чиқарилган мулклар билан тегишли туман СИБ бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мум-кин. Аукцион савдоларида иш-тирок этиш учун талабгорлар-дан аризалар ва бошқа тегишли ҳужжатлар расмий иш қўла-ри соат 9:30 дан 17:00 гача қабул қилинади. Аукцион сав-доларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бош-қа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш қимосида савдо-си ўтказилишига бир иш кун-и қолганда соат 17:00 да тўхта-тилади. Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳар, Олмазор ту-мани, Бериуний қўчаси, 83-уй, 311-хона. Телефонлар: 249-54-59, 249-53-61. Лицензия: № 0039.

"KOP'S TARMOQLI KO'SHMAS MULK SAVDO" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибиде ўтказилаётган очик аукцион савдосига тақлиф этади!

Тошкент вилояти «Матбуот тарқатувчи» шўба корхонасида Республика ҳамда Маҳаллий нашлаб 2016 йил обуна мавсуми давом этмоқда.

Виллоятнинг барча туманларида филиаллар мажмуи.	
Виллоят обуна бўлими:	0-371-233-13-04
Ангрэн шаҳар филиали:	+998946546638
Бекобод шаҳар филиали:	+998903508872
Бекобод туман филиали:	+998901674327
Бўстонлик туман филиали:	+998949308045
Зангиота туман филиали:	+998909764793
	+998951971964
Олмалик шаҳар филиали:	+998917883393
Охангарон туман филиали:	+998935082299
Урта Чирчиқ туман филиали:	0-370-76-21-476
Чиноз тумани филиали:	0-370-59-31-331
	+998955159677
Чирчиқ шаҳар филиали:	0-370-71-64-617
	+998901259907
Юқори Чирчиқ туман филиали:	+998901684678
Пискент туман филиали:	+998936197733
Қибрай туман филиали:	+998936138316
Янгийул туман филиали:	0-370-60-22-034
	+998942152173
Паркент тумани филиали:	+998901684678

ОБУНАГА ҚЎМАҚЧИ — МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ

Телефон: 00696

"KOP'S TARMOQLI KO'SHMAS MULK SAVDO" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибиде ўтказилаётган очик аукцион савдосига тақлиф этади!

Такрорий аукцион савдоси-га Тошкент шаҳар Шайхонто-хур тумани СИБ томонидан 09.12.2013 йилдаги №20340/15-сонли ижро ҳужжатига асо-сан; бошланғич баҳоси - 226 457 882 сўм бўлган, Тошкент шаҳар, Шайхонтохур тумани, Тахтапўл қўчаси, 8-уйда жой-лашган, умумий ер майдони 600,0 кв.м, қурилган остида-ги майдони 359,44 кв.м., уму-мий фойдаланиш майдони 156,89 кв.м., яшаш майдони 126,12 кв.м. бўлган 7 та яшаш хонадон иборат турар-жой (ҳовли) қўйилмоқда. Так-рорий аукцион савдолари 2015 йилнинг 25 ноябрь кунини соат 11:00 да Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Бериуний қўчаси, 83-уйда бўлиб ўтади. Ушбу савдоларида қатна-шиш учун талабгорлар мулк босқичини баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "KOP'S TARMOQLI KO'SHMAS MULK SAVDO" МЧЖнинг АТИБ "Ипотека банк" Шайхонтохур филиалидаги 20208000104931635001 ҳисоб рақамига тўлашлари шарт, МФО 00425, ИНН 207128747, ОКОНХ 83400. Савдога қўйилган мол-мулклар билан тегишли суд ижрочилиги бўлимининг ваки-ли иштирокида бевосита

"AL XAKIM AT TERMIYI" МЧЖ томонидан ижара шартномаси асосида олинган "ISUZU NOR 71PL" 75G782CA -1358522; "ISUZU NOR 71PL" 75G782CA -0035327; "ISUZU NOR 71PL" 75D440DA-1358524; "SAZ NOR 71PL" 75779EAA-1385981; "ISUZU NOR 71PL" 75A377AA 1408227; "ISUZU NOR 71PL" 75E351FA 1417443; "ISUZU NOR 71PL" 75O974CA 1455817; "KAMA3 53212" 75Q896DA-1428955; "ISUZU SAZ NOR 71PL" 75O67GAA-1513800; "ISUZU NOR 71PL" 75L383EA-1455818; "ISUZU NOR 71PL" 75O97GAA-1455620; "MAZ 5433" 75Q511CA-1461934; "MAZ 9380" 75O288AA-1461935; "TA3 SPG UA3 452" 75D857AA-0040312; "ЗИЛ 138A" 75E492EA 1463382; "ISUZU NOR 71PL" 75A017CA-1481452; "ISUZU FVR 33P" 75L870EA-0041733; "TA3 53" 75L013BA-1499278; "ДАМАС" 75M280FA-1507177; "ДА-МАС" 75U259AA-1667398 автотранспорт воситаларига берилган лицензия варақалари йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

"CONTACT SILK TRANS" МЧЖ томонидан ижара шартномаси асосида олинган "DAF 95 XF 430" 75Q841DA-1224661; "SCHMITZ SPA 24L" 750090AA-1224662; "VOLVO FH 12" 40R227CA-0030710; "DAF 95 XF 430" 75F010CA-0030710; "KRONA SDP 27" 750929AA-0030713; "MAZ 9330" 751210AA-0031992; "DAF 95 XF 430" 90W244EA-0032146; "KRONA SDP 27" 901474AA-0032147; "LAMBERET" 400390AA-0032724; "CMT CHOJNICKI NSP 24" 751287AA-0040175; "DAF 95 XF" 75A970EA-0037983; "MAN TGS 19 360" 75V020EA-1420202; "KRONA SDP 27" 751388AA-1420203; "MAN TGS 19 360" 75V020EA-0038421; "KRONA SDP 27" 751388AA-0038422; "DAF 95 XF 430" 75V450DA-0040939; "KRONA SDP 24" 752018AA-0040940; "MAN 18480" 75205EAA-1014165; "SOR IBERICA" 750237AA-1014166; "MAN 18480" 75205EAA-0022222 автотранспорт воситаларига берилган лицензия вара-қалари йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Тош-кент виллоят Кенгаши Халқ депутатлари Ангрэн шаҳар Кенга-ши депутати

Фарход ТАШМУРАТОВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқин-ларига чуқур таъзия изҳор этади.

